

Султашова О.Г., г.ф.н.,

Иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси доценти,

Қорақалпоқ давлат университети

Керимбаева Азада Алимбаевна

Ўсимликларни химоя қилиш (экин турлари бўйича) мутахассислиги 3

курс талабаси

Агробиология ва ўсимликларни химоя қилиш факультети

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Убайдуллаев Кууанышбай Дарибаевич

Кегейли хизмат кўрсатиш техникуми директори

ЎСИМЛИКЛАРНИ ЗАРАРКУНАДАЛАРИ ҲАҚИДА

Аннотация: Ушбу мақолада хўжаликларда зарарли организмлар тарқалиши ва уларга қарши курашиш чоралари бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. вегетация, трипс, кандала, олтинкўз, феромон, культивация, кўчат, азот, фосфор.

Sultashova O.G., PhD

Associate Professor at Economic and Social Geography Department

Karakalpak State University named after Berdakh

Kerimbaeva Azada Alimbaevna

3rd year student of Plant protection (by crop types) speciality

Faculty of Agrobiology and Plant Protection

Karakalpak Institute of Agriculture and Agrotechnology

Ubaydullaev Kuanishbay Daribayevich

PLANT PESTS

Abstract: *This article provides information on the spread of pests on farms and measures to combat them.*

Keywords. *vegetation, trips, candela, pheromone, cultivation, seedlings, nitrogen, phosphorus.*

Бизга маълумки, ғўза вегетациясининг дастлабки даврида зараркунандалар (энг асосийлари ғўза тунлами, шира, трипс, ўргимчаккана ва дала кандалалар) нинг хуружи зўраяди. Ниҳолларни асраб қолиш ва тунлам зарарининг олдини олиш мақсадида назорат ишларини кучайтириб, зараркунанда ўчоқларини ўз вақтида аниқлаш ва унга қарши қатъий чоралар куриш зарур.

Биринчидан, барча хўжаликларда зарарли организмлар тарқалиши бўйича маълумотлар олиш мақсадида дар 50 гектар майдонга биттадан мавсумий назоратчилар тайинланади.

Иккинчидан, бошоқли дон экинлари ва дала четларидаги бегона ўтлардаги ўргимчаккана, трипс, ширага қарши ҳар гектар майдонга 300 донадан олтинкўз чиқариш яхши самара беради.

Олтинкуз личинкаси жуда хўра, бир суткада 50-60 тадан ортиқ ўсимлик битларини, 200 тагача тухумларини еб қўяди.

Ёш ниҳолларнинг шира ва трипсга чидамлилигини ошириш мақсадида 1,5% ли карбамид эритмасидан ҳар гектар майдонга 200-300 литрдан пуркаш яхши натижа беради.

Ўргимчаккананинг дастлабки купайиш жойларида атроф-муҳитга зарарсиз бўлган олтингугурт кукунидан ҳар гектар майдонга 25-30 кг дан чанглатиш ёки унинг оҳакли кайнатмасини ишлатиш керак. Булар билан бир каторда омайт (1,5 л/га) 5 неорон (1,0-1,2 л/га), ниссорон (0,1-0,2 л/га), флумайт (0,2 л/га) препаратларини ҳам ишлатиш мумкин. Бу чоралар кандалага қарши ҳам яхши самара беради. Ўтган йил бу кимёвий чораларни ўргимчакканага ишлатган фермерлар ўз тажрибасида кўрди.

Учинчидан, кўсак қурти ғўзани шоналаш давридан бошлаб зарарлайди. Ғўза тунламнинг битта урғочи капалаги мавсумда 400-600 тадан тухум қўйиб, 3-5 авлод беради. Битта қурт 15-20 дона шона, гул, тугунча ва кўсакларни зарарлайди.

Капалаклар кечқурун ва кечаси учишини инобатга олиб, феромон тутқичларнинг фойдаланиш муддатини узайтириш мақсадида кечқурун ўсимлик ўсув нуқтасидан 25 см баландликка ўрнатиб, эрталаб олиб салқин жойга қуйиш керак.

Капалак тухумлари пайдо бўлгач, 3 маротаба 5 кун оралатиб гектарига 1 граммдан трихограмма қўйиб юборилади. Ғўзада ўрта ёшли қуртлар пайдо бўлса, (100 та ўсимликда 2-3 та) 3 марта 5-7 кун оралатиб 1:20, 1:10 ва 1:5» нисбатда браком қўйиб юбориш керак.

Агар бир далада ҳам кўсак қурти, ҳам ўргимчаккана кўп миқдорда тарқалса ёппасига таъсир этувчи: Каратэ (0,5л/га), Нурелл-Д (1,5 л/га), Талстар (0,6 л/га), Дельтафос (1,5 л/га) сингари дориларнинг бирини 250-300 сувли аралашмасини ҳар гектарга қўллаш керак.

Кўсак қурти ва ўргимчаккана, кандалалар, трипс ва ғўза бити тарқалиши ва миқдорини доимий назорат қилиш учун ҳар 50 гектарга битта назоратчи керак бўлади. Кўсак қурти тарқалган далага - яшил, ўргимчаккана тарқалган далага - қизил, ишлов берилган далага оқ байроқча илиб қўйиш керак. Кўсак қурти капалагининг учишини қайд этиш учун феромон туткичлардан фойдаланилади. Бунда ҳар гектар ерга 1-2 дона қўйиш яхши самара беради. Юқоридаги тавсияларга асосланиб, яхши меҳнат қилинса, шубҳасиз, баракали пахта хирмони бунёд этилади.

Ғўза қатор орасига ишлов беришда культивация, эгат олиш, озиклантириш, суғориш, ўтоқ, ва чопиқ, чеканка ва ҳашоротларга қарши кураш ишлари киради.

Ғўза қатор ораларини юмшатиш-бегона ўтларни кескин камайтиради, тупроқ намини сақлайди, ерни юмшатиб, ўсимлик учун қулай бўлган ҳаво ва иссиқлик режимини таъминлайди, тупроқнинг ортиқча зичлашиб кетишига йўл қўймайди.

Биринчи культивация кўчат униб чиқиши билан паст тезлик ҳамда кам чуқурликда ўтказилади. Бунда чопиқ тракторларига четки ишчи органларининг ишлов бериш чуқурлиги 5-6 см ва ўрта ишчи органлариники 10-12 см қилиб ўрнатилади ҳамда ҳимоя жойи 10-12 см дан ошмаслиги лозим.

Кейинги культивацияларда четки ишчи органлар чуқурлиги 8-10 см ва ўртадаги ишчи органлар 12-14 ва 14-16 см чуқурликда булади.

Ғўза қатор ораларини юмшоқ сақлаш, бегона ўтларнинг кўпайишига

йўл қўймаслик ва ўсимликнинг мўл ҳосил туплаши учун қулай шароит яратиш мақсадида, культивацияни ғўза қатор ораларини қоплагунча давом эттириш зарур.

Сўнги культивацияларни озиқлантириш, чеканка ва ҳашоротга қарши кураш билан боғлаб олиб бориш меҳнат ва ёқилғи сарфини камайтиради.

Ќўзани озиқлантириш - ўсимликнинг талабига қараб ўтказилади. Ќўза ёш даврида - азот, фосфор, шоналаш даврида-азот, калий ва гуллаш даврида азот ва фосфор моддаларга жуда талабчан бўлади. Агар йиллик минерал ўғитлар меъёри гектарига: азот-200; фосфор-140; калий -100 кг/га белгиланганда ва ўғитлар нисбати 1:0,7:0,5 бўлганда улар қуйидагича тақсимланади: 70% фосфор ва 50% калий ўғити ерга ҳайдаш олдида солинади, қолган ўғитлар экиш билан биргаликда 20 кг дан азот, фосфор ва 10 кг калий, шоналаш даврида 90 кг азот, 40 кг калий, гуллаш даврида 90 кг/га азот ва 50 кг/га фосфорли ўғит билан озиқлантириш тавсия этилади.

Эртаги ва мўл пахта ҳосили етиштириш учун азотли озиқлантиришни 25-30 июнда тугаллаш зарур ва фосфорли ҳамда калийли ўғитлар нисбатига риоя қилиш керак.

Азотли ўғитни фосфор ёки калий билан қўшиб бериш шарт, азотнинг ўзи яқка берилса шира ва трипс кўпайишига қулай шароит яратилади.

Биринчи ва иккинчи озиқлантириш ўсимликнинг ён томонидан 12-13 см ва 13-15 см узоқликда ҳамда 15-18 см чуқурликда солинади. Сўнги озиқлантириш эса эгатларнинг ўртасига ва эгатлар чуқурлигидан 3-4 см

чукурроқ солинса, минерал ўғитлар самарадорлиги ошади. Шу билан бир қаторда, калий ва фосфор етишмаган майдонларда тўла чиритилиб, сўнгра қўритилган гўнгни ғўзанинг ўсув даврида минерал ўғитлар билан қўшиб ишлатиш яхши фойда беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев А.К., Гром Л.В. Агрометеорологическое обслуживание сельского хозяйства и перспективы исследований в сельскохозяйственной метеорологии // Тр.САНИГМИ. – 2003. - Вып.160(241). –С.57-66.
2. Абдуллаев А.К., Арфинбоев Ҳ.А., Абдуллаев Ҳ.У. Агрометеорология. –Тошкент, 2006. -432 б.
3. Абдуллаев Х.М., Холбаев Г.Х. Агрометеорологические условия и продуктивность риса в Узбекистане. – Ташкент: Главгидромет РУз, 2001. - 150 с.
4. Мухамадхонов С., Жонгузаров Ф. Ўсимликшуносликка оид русча-ўзбекча изоҳли луғат. –Тошкент, “Меҳнат”, 1989. -319 б.
5. Русча-ўзбекча ботаника терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент, 1963. -159 б.
6. Джаксымуратов К., Отеулиев М., Айтмуратов А., Бекмуратов А. Исследование режима, ресурсов и использование подземных вод Южного Приаралья (Республика Каракалпакстан). "Экономика и социум" №12(79) 2020, ISSN 2225-1545. DOI 10.46566/2225-1545_2020_1_79_497 498-501 p.
7. Turdimambetov I.R., Embergenov N.J., Oteuliev M.O., Bekanov K.K., Utarbaeva K.A. Development of Nosogeographic Maps of the Republic of Karakalpakstan Using Gis Technologies. JCR. 2020; 7(8): 1792-1798. doi:10.31838/jcr.07.08.348
8. Turdimambetov I., Madreymov A., Foldvary L., Oteuliev M., Kurbanov M., Utarbaeva K., Bekanov, K. Influence of adverse ecological factors on the

incidence of malignant neoplasms. E3S Web of Conferences. Volume 227, 6 January 2021, Article number 02001. E3S Web Conf., 227 (2021) 02001. DOI: <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202122702001>

9. Nauruzbaeva, G. T.; Embergenov, N. J.; and Oteuliev, M. O. (2018) "Study of the contemporary state of the environment and the status of population health in the conditions of Southern Aral region," *Karakalpak Scientific Journal*: Vol. 2: Iss. 1, Article 11. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/karsu/vol2/iss1/11>